ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ

2008 ЙИЛ, 17 МАРТ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 50 (11.111) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Умумхалқ хайрия ҳашари

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ЎТГАН ШАНБА-ЯКШАНБА КУНЛАРИ БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ВА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МАҲАЛЛА, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, ЛИЦЕЙЛАР, ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ, ЎҚИТУВЧИ, ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБА-ЁШЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИЛАР. ҲОВЛИ-ЖОЙЛАР, БОҒУ РОҒЛАР, КЎЧА-КЎЙЛАР, МАЙДОНЛАР ЧАНГУ ҒУБОРЛАР, ЧИҚИНДИЛАРДАН ТОЗАЛАНИБ ҒЎЗАЛ ТАБИАТНИНГ БУЮК САХОВАТИ, БЕБАҲО ҚАДРИЯТ ТУФАЙЛИ ЯШАРИБ-ЯШНАБ КЕТДИ ҒЎЁ.

— Шаҳримиздаги 474 та маҳаллада икки кун мобайнида 1.000.200 дан ортиқ аҳоли, шундан 740 минги ёшлар хайрия ҳашарида қатнашиб ободонлаштириш, турар-жойларни тартибга келтириш каби ишларни бажонидил бажаришди, — дейди биз билан сухбатда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви раиси Жамолиддин Шоҳакимов. — Халқимизга хос бўлган ушбу қадриятларимиз тимсолида яна бир бор амин бўлдикки, халқимиз бундай хайр-саховатга тўлиқ ишлардан ҳеч қачон четда турмайди. Набирасини етаклаган бобою бувини, бир-бирларига ҳамроҳ бўлиб кўчат ўтказиб, сув қуяётган қўни-қўшнини, шўх куй ва қўшиққа жўр бўлиб ер чопиб, дарахтларга шакл бераётган ёшларни кўрганда беихтиёр тўлқиниб, ғурурланиб кетасан киши. Икки кун мобайнида кўпчиликнинг ҳаракати билан 5280 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди, 4.860 тоннадан ортиқ йиғилган чиқиндилар 1160 та техникалар ёрдамида олиб чиқиб ташланди, 980 километр ариқ ва зовурлар, 64 та қабристон ва зиёратгоҳлар тозаланди, шунингдек 60.000 тадан ортиқ манзарали, 75.000 тупдан ортиқ мевали дарахтлар, 380.000 дан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди, 337.000 дан ортиқ дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Маълумки, халқимиз бундай кунларда хайр-саховат ишларини ҳам бир жон бир тан бўлиб, беминнат амалга оширади. Ўтган ободонлаштириш ойлиги ва ҳашар кунлари ёрдамга муҳтож оилаларнинг 18.330 квадрат-метр уй-жойлари ҳам имкон борича таъмирланиб, 2.300 оилага саховатли инсонлар кўмагида 35 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Олий хўжалик суди ташаббуси билан назорат қилувчи органлар вакиллари иштирокида мутахассислар малакасини ошириш мақсадида ўқув курси ташкил этилди.

● **ЧИЛОНЗОР** Тиббиёт колледжида Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш чораларига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Ўзбек-япон марказида кунчиқар юрт — Японияннинг миллий байрами «Оригами» (қоғоздан гул ясаш) бўйича ёшлар иштирокида танлов уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Ёшлар театри актёрлари томонидан тайёрланган «Ғаройиб воқеа» спектакли шаҳримиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига намойиш этилди.

● **ХАЛҚАРО** маданият карвонсаройида санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилган ёш иқтидорли рассом Нодира Орипованинг асарлари кўргазмаси «Аёл қалби наволари» деб номланди. Ушбу кўргазма намойиши 22 мартгача давом этади.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини 2008 йил 27 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни, жумладан, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги, «Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238^2-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги, "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги, "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга қўшилишига оид яна бир қанча қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн учинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ: ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ПРИНЦИПИНИ МУЖАССАМ ТОПТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ҲАМДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНМОҚДА. АНА ШУ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАНИШ АМАЛИЁТИГА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН НОРМАЛАРИ ВА СТАНДАРТЛАРИ СИНГДИРИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг 2008 йил 14 март куни бўлиб ўтган мажлисида БМТнинг Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияси қоидаларининг бажарилиш жараёни муҳокама этилди.

Масалани Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан биргаликда ўрганиш Ўзбекистонда мустақиллик йиллари мобайнида суд-ҳуқуқ тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилганлигини рўй-рост кўрсатди. Мамлакатимизда инсоннинг Конституция ва қонун ҳужжатларимизда мустаҳкамлаб берилган барча ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари рўёбга чиқарилишини таъминловчи давлат ва жамоат институтлари тизими шакланди, бу соҳадаги миллий қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Пухта ўйланган ички сиёсат, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ йўналишидаги ислоҳотлар дастурлари изчиллик билан амалга оширилганлиги натижасида МДҲ давлатлари орасида жазони ўтаётган фуқаролар сони бўйича энг кам кўрсаткич Ўзбекистонда қайд этилмоқда.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши миллий ҳуқуқий тизимнинг инсонпарварлашуви ва либераллашуви юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган иш умумэътироф этилган халқаро демократик стандартларга яқинлашиб бораётганлигининг ёрқин ифодаси эканлиги ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳо олганлигига мажлисда алоҳида урғу берилди.

Тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шу жумладан, БМТнинг Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенциясининг қоидаларини миллий қонун ҳужжатларига сингдириш суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизнинг вазирлик ва идоралари ана шу Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан салмоқли иш олиб бормоқдалар.

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) фуқаролар, шу жумладан, маҳкумлар ҳамда терговдаги шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этишдаги таъсирчан роли йиғилиш аҳли томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистонда бу соҳадаги халқаро ҳамкорликка катта аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси 1999 йилдан бошлаб мазкур Конвенциянинг бажарилиш жараёнлари ҳақида БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига учта Миллий маъруза тақдим этди. Учинчи Миллий маърузани кўриб чиқиш якунлари асосида БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси 2007 йил ноябрида қарор қабул қилди, унда Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурий ва қонунчилик чора-тадбирларига ижобий баҳо берилган.

Шу билан бирга, Конвенция қоидаларини амалга ошириш жараёни юзасидан ўтказилган таҳлил бу соҳада муайян камчилик ва нуқсонлар борлигини ҳам кўрсатди. Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида таъкидлаганидек, фуқароларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан содир этиладиган ҳар қандай қонунга хилоф ҳаракатлар батамом барҳам топиши зарур. Бу соҳадаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилиниб, унда шу соҳадаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчилигимизга сингдириш жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар баён этилди.

Тадбирда сенаторлар, парламент қуйи палатасининг депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нохукумат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар ва экспертлар иштирок этдилар.

(ЎзА)

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

● Қарши шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

● Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 47 нафар тадбиркор ва фермер иштирок этди. Турли номинация бўйича кўрик-танлов ғолиблари республика босқичига йўлланма олишди.

● Тошкентда Ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Болалар жамғармаси, Республика Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилди.

● Бухоро шаҳридаги 2-мактабда Наврўз байрамига бағишлаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» номли учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган татар-бошқирд, рус, тожик, турк миллий-маданий марказлари фаоллари иштирок этишди. Тадбир сўнгида бир гуруҳ муаллимлар, ўқувчи-ёшларга таълим ва фан соҳа ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан байрам совғалари топширилди.

● Термиз шаҳрида «Аёл ва спорт» мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган семинарда Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти бўлими кенгаши, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг вилоят бўлимлари раҳбарлари, спортчи хотин-қизлар иштирок этди.

● Жиззах шаҳрида «Ўрда» номли ёшлар экологик боғини бунёд этиш учун бир миллиард олти юз миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилмоқда. Шундай хайрли ташаббус билан Жиззах вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси чиқди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқи мамлакатлари раҳбарлари Ўрта Ер денгизи Кенгашини тузишни маъқулладилар. «Франс-пресс» ахборот агентлигининг маълумотига кўра, мазкур қарорни Словения Бош вазири, айни пайтда ЕИ президенти лавозимида фаолият кўрсатаётган Янез Янша маълум қилган.

● Эронда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакат парламентида 290 ўрин мавжуд бўлиб, унга 4500 нафар номзод даъвогарлик қилди. Сайлов натижаларига кўра Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажотнинг тарафдорлари бўлмиш консерваторлар 290 ўриндан камида 163 тасига эга бўлди.

● Кеча Грузия парламенти атрофида 6 мингга яқин мухолифат кучлари вакиллари қонунчилик палатаси раҳбари Нино Буржанадзенинг истеъфога чиқишини талаб этган ҳолда намойиш ўтказдилар. У ҳокимият ва мухолифат ўртасида музокаралар жараёнини издан чиқаришда айбланмоқда.

● Кеча Албания пойтахтидаги ҳарбий омборда рўй берган кучли портлаш натижасида 9 киши ҳалок бўлди, 243 киши яраланди, 10 киши бедарак йўқолди. Дастлабки тахминларга кўра портлаш эски қурол-яроғларни зарарсизлантираётган сапёрларнинг эҳтиётсизлиги натижасида содир бўлган. Ҳозирда портлаш жойида қутқариш ишлари давом этмоқда.

● Тибет маъмурий ҳудудида бир ҳафтадан буён давом этаётган оммавий тартибсизликлар туфайли Хитой Тибет атрофига қуролли кучларини тўплади. Ҳозирда Тибетга вақтинчалик хорижий фуқароларнинг кириши тақиқланди. Оммавий тартибсизликлар қўшни Сичуан музофотига ҳам ўтиб, кеча тўқнашувлар натижасида етти киши ҳаётдан кўз юмди.

● Кубада узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган компьютер, DVD маҳсулотлари ва видеоплейерларни сотишга киритилган тақиқ олиб ташланди. Эндиликда аҳоли микротўлқинли печлар, автомобиль сигнализациялари ҳамда 19 ва 24 дюймли телевизорларни харид қилиши мумкин. Кондиционерлар эса келаси йилдан сотилади. Мутахассислар мамлакатдаги бу ислоҳотларни ривожланиш сари қўйилган илк қадам дея баҳолашмоқда.

● Яқинда Европа Иттифоқи авиакомпанияларнинг янги «қора рўйхат»ини маълум қилди. Унга кўра Индонезия, Ангола, Украина ҳаво йўллари бўйлаб ҳаракатланувчи бир қатор йўналишларнинг Европа Иттифоқи ҳудудига эркин учиши ман этилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ҳашар кунлари шаҳримизнинг қай бир гўшасида бўлманг, қизғин меҳнат қилаётган ҳамшаҳарларимизни кўрдиқ, улар ҳеч кимнинг таклифини кутиб ўтирмай ўз уйлари, маҳаллалари, ўқиш ва иш жойларининг озодалигига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

— Кейинги йилларда туманимиз кундан-кунга чирой очиб энг чиройли, обод ва ораста масканга айланиб бормоқда, — дейди Сергели туман «Нуроний» жамғармаси раиси Баҳодир Қурбонов. — Албатта, бунда туман ҳокимлиги томонидан ўтказилаётган ҳашарлар, унда фаол иштирок этаётган ҳамшаҳарларимиз ва фахрийларнинг ҳиссалари ҳам катта. — Ахир табаррук кексаларнинг ёшларга ибрат бўлиб ёнларида туришлари муҳим аҳамиятга эга, таълим-тарбияда ҳам ўз ўрни бор. Ҳашар кунлари туманимиздаги «Файз холдинг» компанияси, «Новатор» корхонаси каби ташкилот, ўқув юрти, спорт муассасаларида катта ҳажмдаги ишлар кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан кутилганидан ҳам аъло даражада бажарилди, ётиб қолган кексаларнинг уйларига бориб йўқланди.

— Маҳалладошларнинг ғайрат-шижоати таҳсинга лойиқ, — дейди «Хувайдо» маҳалласи оқсоқоли Фотиҳ ака Аскаров. — Ҳашар кунлари катталар кичикларга бош бўлиб маҳалла ғузари, кўча, йўлаклар, катта Беруний кўчаси, Форобий қабристони тартибга келтирилиб, ободонлаштирилди. Ҳудудимиздаги 39-оилавий поликлиника, 169-мактаб, 342-мактабгача таълим муассасаси жамоалари билан ҳамкорликда 500 та игна барглиг, 150 та мевали дарахт, 200-300 та турфа гуллар экилди. Хотин-қизлар комиссияси раисаси Вазира Омонова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маҳбуба Раҳматуллаевалар бошчилигида касал ётган, ногирон, камхарж оилалар ҳолидан хабар олиниб, уй-жойлари саранжом-саришта қилиб берилди.

— Ҳашарда ёшлар зўр кўтаринкилик билан иштирок этишди, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Азимжон Мирзажонов. — Шаҳар ва 11 та туман кенгашимиз «камолот»чилари «Ҳар бир ёшга — бир ниҳол», «Ҳашар — ёшларга ярашар», «Ҳашар — «Камолот»га ярашар» каби бир қатор эзгу шиор остида қўлни қўлга бериб ўзлари ўқиётган ва ишлаётган корхона, ташкилот, ўқув юртлари ҳудудларидан ташқари, муқаддас қадамжолар, қабристон, зиёратгоҳларни ободонлаштириб, дарахтларни оқлаб, шакл бериб, гул кўчатларини ўтқазиб шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшишга ҳиссаларини қўшдилар. Кекса, ёлғиз, ногирон инсонларнинг уй-жойларини таъмирлашга яқиндан ёрдам берилди.

— Ҳудудимизда 8.000 дан ортиқ турли миллат вакиллари бир ойладек бир-бирига елкадош, яхши-ёмон кунида ҳамроҳ бўлиб яшаб келмоқда, — дейди Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Комилжон Қаюмов. — Биз ҳашар кунлари «Ёрқин келажак», «Дўмбиробод-Бўстон», «Коммунал-сервис», «Дўмбиробод-2» каби ҳудудимиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, 167, 317, 232-мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ходимлари, ўқитувчи-тарбиячи ва ўқувчилар ҳамкорлигида барча мўлжалдаги ишларни бажардик. Катта кўчалар, йўлаклар, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофлари тозаланди, 3.000 дан ортиқ мевали ва манзарали, 100 та терак дарахтлари, гул кўчатлари экилди. Мамарасул Бобоев кўчасидаги уйнинг томи ҳомийлар ёрдамида янгилаб берилди, идорамиз ёнида ҳашар йўли билан қад кўтараётган таянч пункти биносида қурилиш ишларига кўмак кўрсатилди.

— Туманимизда 52 та маҳалла бор, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Мирзо Улуғбек туман бўлимининг масъул котиби Абдухалил Бобожонов. — Ҳашар кунлари 16.300 дан ортиқ аҳоли иштирок этиб 86 гектар ер ободонлаштирилди, 40 погонметр ариқ ва зовурлар, 7 та қабристон тозаланиб ободонлаштирилди, 150 тоннадан ортиқ чиқиндилар 55 та техника воситасида олиб чиқиб ташланди, 2.500 туп манзарали, 1500 туп мевали дарахтлар, 5-6 мингдан ортиқ гул кўчатлари экилди. Кам таъминланган оилаларнинг 1500 квадрат метр уй-жойлари таъмирлаб берилди. 15.300 тадан ортиқ дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Умумхалқ ҳашарида айниқса «Шалола», «Оқибат», «Олимлар», «Гулистон» каби бир қатор маҳаллалар аҳли бошқаларга ибрат бўлиб ҳар ишда ўзларини кўрсатиб кўпчиликнинг дуосини олдилар.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳашар кунлари вазирликлар, корхона, ташкилотлар ходимларининг бир кунлик иш ҳақлари «Маҳалла» жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилиб, ушбу маблағлар маҳаллалар ривожи ва ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бериш йўлида сарфланади.

Бир сўз билан айтганда, тозалик, озодалик, саранжом-саришталик бор жойда қут-барака, ишда унум бўлади. Шундай экан, азиз ҳамшаҳарлар, ҳар биримиз нафақат ҳашар кунлари, балки ҳамма вақт ўз уйимиз, маҳалламиз, кўчамиз, шаҳримизнинг озода ва обод бўлиши ўзимизга боғлиқ эканини унутмайлик, ҳамиша қалб кўзимиз билан тозалик, ёруғлик, қут-баракага интилиб яшайлик. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, келажак авлодларга биздан озод ва обод юрт қолсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Наталья Семёнова олган суратлар.

СУРАТЛАРДА: 15-16 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашаридан лавҳалар.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

ЮРТИМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ КЕЗИБ ЮРИБДИ. БУ АЙЁМНИНГ ТАРТИБЛИ ВА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТИШИДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ЗИММАСИГА АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, соҳа ходимлари томонидан асосий эътибор умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймасликка қаратилмоқда. Бу борада кенг жамоатчилик ва жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, улар билан жамоатчилик иштирокида тарбиявий ишларни олиб бориш, шунингдек, ноқонуний сақланаётган қурол ва ўқ-дорилар, портловчи воситалар ҳамда гиёҳванд моддаларни аниқлаш ва йўқ қилишга қаратилган тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда жамоат жойларида ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти кучайтирилди.

Фуқароларнинг ҳушёрлиги, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги фаоллигини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда, корхона, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида "Огоҳлик – давр талаби" ва "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилмоқда.

Йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган назорат-текширувлар давомида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида 11 мингдан зиёд камчилик аниқланиб, бартараф этилди.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган объектларнинг атрофидаги 18,4 километр пиёдалар йўлакчалари ва 1852 квадрат метр йўл қатнов қисми таъмирланди. 21,5 километр темир-бетон ариқлар тозаланди. 47 пиёдалар ўтиш жойлари ҳамда 21 километр йўл чизиқлари тортилди.

Қайд этиш жоизки, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш нафақат ички ишлар идоралари ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шундай экан, яқинлашиб келаётган Наврўз байрамининг кўнгилдагидек ўтиши учун барча бирдек масъул эканини унутмайлик.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТИМИЗДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН "ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ОРҚАЛИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ" МАВЗУИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова бошқарган семинарда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омил бўлаётир.

Семинарда сиёсий партияларнинг хотин-қизлар қўмиталари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар билан хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Дунёнинг 180 мамлакатидан ташриф буюрган 10 мингдан зиёд иштирокчи ушбу тадбирда сайёҳлик хизматлари бозорининг хилма-хиллигини акс эттирди. Ярмаркада "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Зоҳид Ҳакимов раҳбарлигидаги "Ўзбекистон ҳаво йўллари», хусусий сайёҳлик ва бошқа компания вакилларидан иборат бўлган юртимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

«ITB Berlin» сайёҳлик компаниялари, миллий ва минтақавий туристик ташкилотлар, меҳмонхоналар тармоғи, транспорт ва суғурта компанияларини бирлаштирувчи дунёдаги йирик сайёҳлик ярмаркаси ҳисобланади. Бу ерда жаҳон туризм соҳаси етакчилари учрашиб, ўз таклифларини илгари суради ва ҳамкорликка оид битимларни имзолайди.

Форум доирасида ўзбекистонлик мутахассислар мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти ривожининг хилма-хил кўринишларини ўзида акс эттирган ахборот материалларини тақдим этди. Ярмарка иши давомида Европа туристик компаниялари вакиллари билан музокаралар ўтказилиб, Ўзбекистонга европалик сайёҳлар оқимини кўпайтиришга доир масалалар муҳокама этилди.

Бугунги кунда сайёҳлик соҳасининг аҳамияти тўғрисида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, мазкур тармоқ дунёдаги ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг ўндан бир қисмини, халқаро сармояларнинг 11 фоиздан ортиғини, бутунжаҳон ишлаб чиқариш тизимидаги ҳар ўнтадан битта иш ўрнини таъминламоқда. Ҳозирги сайёҳлик соҳаси халқаро хизматлар бозоридаги сердаромад ва жадал ривожланаётган йўналишлардан биридир. Туризм саноати келтираётган фойдаси бўйича нефть ва автомобиллар экспортидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

— Берлин шаҳрида жойлашган сайёҳлик агентлигимиз мана бир неча йилдирки, Ўзбекистоннинг «Ориентал Вояжес» сайёҳлик компанияси билан биргаликда муваффақиятли иш олиб бормоқда, — дейди «Ventus Reisen GmbH» сайёҳлик агентлиги бошқарувчи директори Регина Хербертс. — Бу вақт мобайнида биз Германиядан юртингизга юзлаб сайёҳларни юбордик. Уларнинг барчаси сафар давомида ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан, қулай ва шинам меҳмонхоналарда кўрсатилган юқори даражадаги хизматлардан ва дўстона муҳитдан мамнуният ҳисси билан қайтдилар.

Айни пайтда мамлакатда халқаро сайёҳлик ва хизматлар тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган самарали ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу Ўзбекистонга ташриф буюрувчи немис сайёҳлари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Берлин кўргазмасида «Ўзбектуризм» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий компаниялари билан бирга юртингизнинг қатор сайёҳлик фирма ва компанияларининг ҳам иштирок этгани жуда муҳимдир. «ITB Berlin» Ўзбекистоннинг нодир тарихий мероси билан танишиш учун қулай бир имкониятни яратади, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон делегацияси сафар давомида Берлиндаги элчихонамизда мамлакат сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимотни ўтказди. Унда ГФР давлат, сиёсат, ишбилармон ва жамоат доиралари, шунингдек Европанинг машҳур сайёҳлик компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Берлин

ЎЗБЕКИСТОН «ITB BERLIN — 2008» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

ГЕРМАНИЯДАГИ ЭНГ ЙИРИК ҲИСОБЛАНГАН «МЕССЕ БЕРЛИН» КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУИДА «ITB BERLIN — 2008» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ.

ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

КУНИ КЕЧА «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ ТИЗИМИДАГИ ДЕҲҚОН БОЗОР ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ТОШ ВА ТАРОЗИЛАРИНИНГ АҲВОЛИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ЮЗАСИДАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ» МАВЗУИДА ЎҚУВ-СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур тадбирда агентлик «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси, Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси, пойтахтимизда фаолият юритаётган деҳқон бозорларининг раҳбарлари, етакчи мутахассислар қатнашдилар.

Ўқув-семинарни кириш сўзи билан очган ҳамда унга раислик қилган Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Холида Бобохонова, жумладан деди:

— Бошқармамиз томонидан ишлаб чиқилган режага асосан ўтказилаётган ушбу тадбирлар Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 6 февралдаги «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги деҳқон бозор жамиятларининг тош ва тарозиларининг аҳволини ўрганиш ҳамда уларни тартибга келтириш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишини бажаришга бағишланди. Уюшма ходимлари билан ҳамкорликда шаҳримиздаги йирик бозорлар ҳамда уларнинг шохобчаларида йилда бир марта тош-тарозилар назоратдан ўтказилади. Айни кунларда бу иш («Сергели бозори»дан ташқари) якунланди.

Шунингдек, семинарда «Ўзстандарт» агентлиги «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси мутахассиси Жалолиддин Муҳитдинов «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасига қарашли деҳқон бозорларида фойдаланилаётган тош ва тарозилар ҳақида» мавзуида; «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси масъул ходими Рустам Усмонхўжаев «Уюшма тизимида фойдаланиладиган тош ва тарозилар ҳолати тўғрисида», Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ходими Жамшид Ҳабибуллаев «Тошкент шаҳрида жойлашган деҳқон бозорларида ўтказилган мониторинглар тўғрисида» мавзуида ҳамда Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари Ҳаким Қосимов «Собир Раҳимов туманида жойлашган деҳқон бозорларидаги тош ва тарозиларнинг аҳволи ҳақида» мавзуларида сўзга чиқишди.

Ўқув-семинар давомида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан қониқарли жавоб олишди, қатор амалий таклифлар ҳам киритилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Фармон ва ижро

МОДЕРНИЗАЦИЯ— РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ГАРОВИ

БУГУНГИ РАҚОБАТЧИЛИК ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИК-ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ОРҚАЛИ СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ ВА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 14 мартда «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонни қабул қилганликлари айтиш жоизки, айни муддао бўлди. Бу республикамизда бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда йирик саноат корхоналарининг янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга пухта замин яратади. Сабаби, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ишлаб чиқарувчиларга катта имкониятлар белгилаб қўйилиши билан бирга қатор солиқ имтиёзлари ҳам яратилган.

Бундан кўринадики, Фармон нафақат ишлаб чиқарувчилар, балки жойлардаги солиқ идоралари ходимлари зиммасига ҳам ниҳоятда катта масъулият юклайди. Шуларни ҳисобга олган Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси жамоаси ҳудуддаги саноат корхоналари, кичик бизнес субъектлари раҳбарияти билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда. Бундан мақсад мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ишлаб чиқарувчиларга кенгроқ тушунтириб бериш ва унинг амалдаги ижросини таъминлашдан иборат.

Яқинда туман Солиқ инспекцияси ходимларининг ҳудуддаги йирик саноат корхоналари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувида мазкур Фармоннинг аҳамияти ва ижроси тўғрисида атрофлича сўз юритилди. Ишлаб чиқарувчилар учун Фармонда белгиланган солиқ имтиёзларига оид кўплаб саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Айни пайтда Солиқ инспекцияси жамоаси томонидан бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кичик бизнес субъектлари вакиллари билан давра суҳбати ўтказиш режалаштирилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодиёт

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИ УЧУН ЕТАРЛИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ КЎЗЛАНГАН НАТИЖАНИ БЕРМОҚДАКИ, УНИНГ САМАРАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИДА, ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИЛАРНИНГ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ МЕҲНАТЛАРИДА ЯҚҚОЛ ИСБОТИНИ ТОПМОҚДА.

Бугунги кунда бозорларимиздаги, фирма дўконлари пештахталаридаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий техника ҳамда технологиялар асосида тайёрлаган маҳсулотлари нафақат сифати, балки қадоқланиши, ўралиши билан ҳам четдан келтириладиган ана шундай товарлар билан бемалол рақобатлаша олади. Бу эса харидорларимиз талаб ва эҳтиёжини қондиришга муҳим ҳисса қўшмоқда. Ана шундай корхоналардан бири «MAVTEKS» хусусий корхонаси ўз фаолиятини 2002 йилда бошлаган бўлиб, айни пайтда тадбиркорлар томонидан ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида тикилаётган эркакларнинг замонавий костюм-шимлари юқори сифати, юксак дизайни билан эътиборга лойиқ бўлмоқда.

— Жамоамизда бугунги кунга келиб 15 та малакали мутахассис меҳнат қилмоқда, — дейди корхона директори Дмитрий Ли. — Ҳозирда хорижий машиналардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз, яъни костюмларимиз тури 20 хилдан ортиб кетди. Асосий хом ашёни Хитой ва Туркиядан оламиз. Либослар моделларини яратишда эса моҳир модельер-дизайнерларимиз ҳамиша изланишда ва улар, албатта харидор дид ва талабидан келиб чиқиб меҳнат қилади, янгиликлар яратадилар. Ҳозирда Паркент бозорида фирма дўконимизни очганмиз. Маҳсулотларимизни ушбу дўкон орқали харидорларга етказиб берамиз.

Тадбиркорлар жорий йилда молиявий кўмак, яъни кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, янги ишчи ўринлари очишни режалаб туришибди. Хориж давлатларидан янги дастгоҳ ва ускуналар келтириш кўзда тутилган бўлиб, пойтахтимизнинг Миробод туманида корхона филиалини очишга эришилади. Албатта, янги маҳсулот турлари ҳам кўпаяди, импорт ўрнини босувчи товарлар рақобатбардошлиги ортади.

ИЗЛАНИШЛАРИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

ХАЛҚ АМАЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ ЛОК МИНИАТЮРАСИ ЙЎНАЛИШИДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАНЛАР ОРАСИДА РАССОМ ДИЛШОД ЭШМАТОВНИНГ ҲАМ ЎРНИ АЛОҲИДАДИР.

Ёш бўлишига қарамай ўз йўналишида кўплаб бетакрор асарлар яратиб, мухлисларига манзур этган ва кўплаб буюртмаларни муваффақият билан бажарган қўли гул ҳунар эгаси Дилшод Эшматов Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Сергели туман босқичида 1-ўринни эгаллаб, «Энг яхши ҳунарманд» номига сазовор бўлди.

Халқимиз тарихи ва анъаналаримизни ўрганишга катта эътибор қаратган уста ўз назарий билимларини аввало Беньков номидаги билим юрти, сўнгра К.Беҳзод номли миллий рассомчилик ва дизайн институтида мустаҳкамлашга эришди. Устозларидан ҳунар сирларини мукаммал эгаллашга интилди.

Бугунги кунда у яратган санъат даражасидаги асарлар чет эллардаги халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақият қозонганини алоҳида таъкидлаш лозим. У шогирдлар тайёрлашга ҳам эътибор қаратиб, ўз иқтидори ва билимини ёшларга ўргатмоқда.

— Мустақил мамлакатимизда ҳунармандчилик ривожига катта эътибор қаратилган, — дейди Дилшод Эшматов. — Ҳунарманд усталарга эса қатор қулайликлар яратилиб, имтиёзлар берилганлиги бизни изланишга, юртимиз довруғини ўз ҳунаримиз, санъат асарларимиз билан оламга ёйишга ундайди. Мен ҳам ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланаяпман. Чет эл кўргазмаларидаги муваффақиятларимиз бизни бениҳоя қувонтиради.

Ёш ва иқтидорли ҳунарманд-рассом 2006 йилда ўзининг шахсий кўргазмасини намойиш этди. Жорий йил кузида эса янги асарларини тўплаб кўргазма ташкил этишни режалаштирмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Маънавият — ақл кўзгуси

ЖАМИЯТ ҲАР ҚАНЧА ТАРАҚҚИЙ ЭТМАСИН, ИНСОНИЯТНИНГ МАЪРИФАТГА ЧАНҚОҚЛИГИ, МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ ИНТИЛИШИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТЎХТАБ ҚОЛМАЙДИ. ЗЕРО ЮРТБОШИМИЗ ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК: «ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИ, ЭНГ АВВАЛО УНИНГ ЎЗИГА, МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИГА ВА МИЛЛИЙ ОНГИНИНГ ИЖОДИЙ КУЧИГА БОҒЛИҚ!

Айтиш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида маънавиятга, маърифатга катта эътибор қаратилаётганлигига барчамиз гувоҳмиз. Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги остида юртимизда изчил сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар моҳиятини, шундай улуғ интилишлардан кўзланган эзгу мақсадларни аҳоли, хусусан, ёш авлод онги-шуури ва қалбига етказиш ўта масъулиятли, шу билан бирга ниҳоятда шарафли вазифалар сирасига киради.

Маънавият тарғиботчиси деганда биз айнан ана шундай олий масъулиятни ўз зиммасига олган фидойи, билимдон, таъсирчан сўзи билан одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, замоннинг илғор, куюнчак, тиниб-тинчимас кишиларини тасаввур этамиз.

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорида ҳам «Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда», дея бежиз таъкидланмаган.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг мазкур кўрик-танловни ўтказишдан мақсади мамлакатимизнинг турли гўшаларида фаолият юритаётган ташаббускор, фидойи тарғиботчиларни қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантириш, уларнинг бой тажрибаларини оммалаштириш, шу тарика республикада маънавият тарғиботи самарадорлигини оширишдан иборат. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу кўрик-танловнинг ҳудудий ва минтақавий босқичлари ҳам қўтаринки руҳда, қизғин ўтган эди.

Танловнинг якуний босқичида энг фаол маънавият тарғиботчилари, яъни минтақавий босқич ғолиблари иштирок этдилар. Маънавият тарғиботчилари фаолиятига баҳо беришда уларнинг дастурлари, режалари, ижрони тасдиқлайдиган ҳужжатлар, унинг фаолияти ҳақида жамоатчилик фикри, ўтказаётган тадбирлари мавзулари долзарблиги, хилма-хиллиги ва оммавий ахборот воситаларидаги иштироки, фаоллик даражаси, нутқий маҳорати, таъсирчанликка эришиш йўлидаги изланиш, тажриба ва ўзига хосликлари, мамлакатимиз ва жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг сўнгги янгиликлардан оқилона фойдаланиш санъати эътиборга олинди.

Танлов якунида ғолиблар аниқланди ва муносиб совғалар билан тақдирландилар. Бир қатор тарғиботчиларга эса рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар

Танловлар

ЯКУНИЙ БОСҚИЧДА — ЭНГ КУЧЛИЛАР

Маънавият тарғибот марказларида

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУК,ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОН ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ, УЛАРНИ ОТА-ОНАГА, ВАТАНГА МЕҲР-МУҲАББАТ, САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТАДИР. АЙНИҚСА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ БУ БОРАДАГИ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИШДА МУҲИМ ДАСТУРУЛАМАЛ БЎЛДИ.

Мазкур Қарор ижросини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шаҳримизнинг барча туманларида фаолият олиб борадётган Маънавият тарғибот марказларининг туман бўлимлари томонидан жойларда ўтказилаётган турли хил маънавий-маърифий тадбирлар диққатга сазовор бўлмоқда. Жумладан, Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан маҳаллаларда, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар, мактаблар ҳамда корхона,ташкилотларда ўтказиб келинаётган маънавий-маданий тадбирлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бу тадбирларга нафақат ёшлар, балки катталарнинг ҳам қизиқиши катта бўлиб, фаол иштирок этмоқдалар.

— Аввало маънавияти, маърифати юксак бўлган миллатнинг келажаги буюк бўлади, албатта,— дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова.— Мақсадимиз халқимиз, айниқса ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, уларни ҳар томонлама баркамол, илмли инсон бўлиб етишишларида оз бўлсада ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат. Шу боис Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат Кенгашининг иш режасига мувофиқ туманда ижтимоий, маънавий-маърифий ишларни янада яхшилаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда ёшларнинг фаоллигини ошириш бўйича мажмуавий дастур ишлаб чиқилиб, амалда бажарилмоқда. Жумладан, туманда жойлашган корхона-ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда даволаш муассасалари ходимларининг, туман аҳолисининг маънавий-маърифий билим даражаларини ошириш, миллий қадриятларимизни замонавий руҳда тарғиб этиш, фуқароларнинг конституцион билимларини демократик давлат қомусини билиш даражасига олиб чиқиш ва барча йўналишлар бўйича кенг кўламда маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, диний, ҳуқуқий йўналишлар бўйича тарғиботчи гуруҳлар тузилиб, уларга етук мутахассислар, олимлар жалб этилган. Тумандаги 58 та маҳаллаларга олий ўқув юртлари проректорлари ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари бириктирилгани ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тегишли услубий қўлланмалар ва низом билан таъминланган. Ҳар бир маҳаллада «Маънавият тарғибот» бурчаклари ташкил қилинган. Таълим муассасалари талаба-ўқувчиларининг жадвал асосида пойтахтимиздаги музейлар ва зиёратгоҳларга ташрифи ташкил этилиб, у ерда очиқ дарслар ўтказилмоқда.

Ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида туманда Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази, туман халқ таълими бўлими, ўрта махсус ўқув юртлари, маданият ва спорт ишлари туман бўлими, «Маҳалла», «Нуроний», «Олтин мерос» жамғармалари, «Камолот»ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида жуда кўп тадбирлар ташкил этилди. Мазкур тадбирлар асосан миллий ғоянинг тарғиботи, ёшларга миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарни тўғри англаш, диний ақидапарастлик, гиёвандлик ва турли касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли ўртасида огоҳликни кучайтириш, мустақиллик ва тинчлик каби бебаҳо неъматни авайлаб-асраш мавзуларига қаратилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ҳудудимизда жойлашган ўқув юртлари ва тумандаги маҳаллаларда «Дин ва жамият», «Оила, никоҳ ва қонун», «Диний ақидапарастликнинг олдини олиш» мавзуларида, шунингдек, туман бош имом хатиби ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, тумандаги банклар, ИИБ, туман «Оила» маркази раҳбарлари билан ҳамкорликда қатор учрашув ва семинарлар ўтказиб келинябти. Жорий йилда Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлаш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги махсус факультетда «Ватаннинг содиқ ўғлонлари» мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Шунингдек, «Озод Ватан ўғлонлари»,Ўзбекистон Давлат тарихи музейида «Икки авлод учрашуви» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Албатта бу каби тадбирлар келгусида ўзининг яхши самараларини беради. Халқимиз, ёш авлод онгу-шуурини, маънавий оламини бойитишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Гулнора ШОКИРОВА

«ШАРҚ»НИНГ НУРЛИ ЗИЁСИ

КИТОБ БИЛИМ МАНБАИ, ТАФАККУРИМИЗ ВА ОНГИМИЗНИ БОЙИТУВЧИ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ САРИ ЎНДОВЧИ БЕБАҲО ХАЗИНАДИР. УЛУҒ ДОНИШМАНД АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ КИТОБ ҲАҚИДА ЁЗГАН УШБУ МИСРАЛАРИ ҲАМ ФИКРИМИЗНИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР:

Агар ёлғиз эсанг, ҳамдам китобдур,
Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

Дарҳақиқат китобдан яқинроқ дўст йўқ жаҳонда. Бугунги кунда китоблар олами билан танишар эканмиз, дўконлардаги пештахтада терилган чиройли муқовадаги таниқли ёзувчиларимиз, шоирларимиз қаламига мансуб роман, қисса ва шеърий, шу билан бирга турли соҳаларга оид ранг-баранг мавзудаги китоблар диққатимизни тортмай қўймайди. Албатта уларни олиб ўқиш иштиёқи туғилади. Бундай китобларни нашр этиб, китобхонларга етказишда пойтахтимизда фаолият юритаётган бир қатор нашриётларнинг ҳиссаси катта. Улар орасида ҳаммамизга яхши таниш бўлган «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кейинги пайтларда бу қутлуғ даргоҳда жуда кўплаб янги номдаги китоблар нашрдан чиқди. Хўш, Ёшлар йилида мазкур нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан қандай китоблар чоп этиш мўлжалланмоқда?

— Албатта бу йил ёшларга алоҳида эътибор қаратамиз, ёшларбоп китобларни чоп этиш ниятидамиз,—дейди «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов.— Ўтган йили нашриётда 300 дан ортиқ номда китоблар чоп этилди. Уларнинг умумий тиражи 5 миллион нусхадан ошади. Шуниси эътиборлики, бу китобларнинг 250 дан ортиғи адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, тарихий мавзудаги асарлардир. 2007 йилда энг диққатга сазовор ишлар сирасига «Танланган асарлар», «Сайланма», «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари» сериясидаги асарларни киритсак бўлади. Буюк аллома Алишер Навоий таваллуд куни олдидан ул зотнинг ҳикматли сўзларини жамлаб «Афоризми Навои» номли кичкина совғабоп китоб чоп этдик. Ана шундай чўнтакбоп китоблар чиқаришни қайта тикладик. Шунингдек, Ш.Холмирзаев, Ў.Умарбековнинг кўп томлигини якунладик. Айни вақтда П.Қодиров, О.Ёқубов, Т.Малик, Т.Низомнинг янги жилдларини тайёрлаяпмиз. Булардан ташқари ушбу рукнда Т.Мурод, А.Дилмурод, Муҳаммад Алининг танланган асарларини чоп этишни бошлаганмиз. Иброҳим Ғафуровнинг «Ҳаё—халоскор» китобидан сўнг «Мангу латофат»ни китобхонларга тақдим этдик. У.Норматов, А.Расулов, И.Ҳаққулнинг янги китоблари ҳам адабиёт ихлосмандларига ўзига хос совға бўлди. Ўзбекистон халқ шоирлари М.Тоир, С.Саййид, И.Мирзонинг янги шеърий нашрлари шеърият мухлисларига жуда маъқул тушди.

Албатта, болаларбоп китобларни нашр этишга ҳамиша эътибор қаратиб келинган. Нашриёт томонидан чоп этилган «Мактаб кутубхонаси», «Боғчага-дўмбоқчага», «Ўзимиз эртак ёзамиз» деб номланган туркум китоблар болаларнинг маънавий оламини бойитишда муҳим омил бўлади. Уларда бола қалбининг нозик кечинмалари рангли суратлар билан сайқалланган. «Ўзбек халқ эртаклари», «Жаҳон саргузашт адабиёти» туркумида «15 ёшли капитан», «Капитан Грант болалари», «Сув остида 80 минг километр», «Гулливернинг саёҳатлари», «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» каби асарлар икки-уч бор қайта нашр этилди.

Ўтган йили 70 дан ортиқ номда болалар учун китоблар босмадан чиқди. Уларнинг умумий тиражи 1 миллиондан ошади. Бу йил ҳам шу йўналишдаги ишларни давом эттирамиз. Айни пайтда янги сериялар, рукн, ном ва муаллифлар борки, йил давомида ўқувчиларни қутилмаган совғалар билан хушнуд этамиз. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу йил ёш ижодкорларга алоҳида эътибор қаратиб 20 дан ортиқ ёшларнинг асарларини чоп этишни режалаштирганмиз ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ёшлар альманахини яратиш устида ишлаяпмиз. Булардан ташқари ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти хазиналаридан ёшлар тарбиясига дахлдор, уларнинг маънавиятини бойитишга ва маърифатга ундовчи дурдона асарларни чоп этишни режалаштирганмиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган янги китоблардан намуналар

Мулоҳаза

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

ҲАР КУНИ КЎЧА-КЎЙДА, АВТОБУС БЕКАТЛАРИДА ТЎПЛАНИБ ТУРГАН ЁШ-ЯЛАНГГА КЎЗИМИЗ ТУШАДИ. УЛАРНИНГ МУОМАЛАСИ-Ю, ЮРИШ ТУРИШИ КИМГАДИР ЎЗ ЁШЛИГИНИ ЭСЛАТСА, КИМНИНГДИР ҒАШИГА ТЕГАДИ. «ЁШЛАРНИНГ ТАРБИЯСИ БУЗИЛИБ КЕТЯПТИ», «БИЗНИНГ ДАВРИМИЗДА ҲАММАСИ БОШҚАЧА ЭДИ» СИНГАРИ ХИТОБЛАРНИ КЎП ЭШИТАМИЗ. ЛЕКИН АСЛИДАЧИ, АСЛИДА ҲАМ ШУНДАЙМИ?

Бундай ўзгаришларнинг сабаби беъмани компьютер ўйинлари, хорижий жангари ва беҳаё фильмларми ёки «корчалон» ота-оналарнинг ўз фарзандига ажратишга етмай қоладиган вақтми? Балки буларнинг барчаси «Қуш уясида кўрганини қилади» мақолининг амалдаги исботидир?

—Менга беш ёшлигимдан бери энагам Лидия Иванова қарайди, — дейди биз билан суҳбатда 7-синф ўқувчиси Сардор. —Ота-онам геолог. Улар доим сафарда юришади. Мен уларни жуда яхши кўраман. Аммо келган заҳотлариёқ тергашлари, севимли фильмларимни кўришни тақиқлаб қўйишлари жаҳлимни чиқаради.

16 ёшли Шаҳноза эса, онасининг уни тушунмаслигидан шикоят қилади: — Отамнинг вафотларидан сўнг, ойим мени бувимларга қолдириб, Жанубий Кореяга ишлашга кетдилар. Энди эса мен билан ёш болага қилгандек муомала қиладилар. Менинг етти йил олдинги қизалоқ эмаслигим, ўз қарашларим, шахсий фикрим борлигини наҳотки тушунмасалар.

Юқоридаги мисоллар аҳолининг фақат маълум фоизига тегишли дейликда, диққатни жамоат транспортида тез-тез учраб турадиган кундалик майда нуқсонларга қаратайлик.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, на саломни билади, на ширин сўзни. Автобусга ёши улуғроқ киши чиқсаку, ўзини кўрмаганга олиб қўлидаги газетага тумшуғини тираб ўтираверади, —деб таъкидлайди Фарида хола. —Шошиб туришган бўлса қари одамни туртиб ўтишдан ҳам тойишмайди-я, бу қурмағурлар.

Бу эътирозга кўринишидан талабага ўхшайдиган бир йигит шундай жавоб беради: «Тўғри тарбиясиз, калтафаҳм ёшлар ҳам йўқ эмас. Ахир гуруч курмаксиз бўлмайди. Бу ҳамма ёшлар шунақа дегани эмас. Биздан «саломни билмайсан» деб ранжишади, кулиб давом этади у. — Кўчада кетаётиб бирор кишига шунчаки ёши сиздан катталиги учун салом бериб кўрингчи, ортига камида уч марта, «бу ким бўлди экан» дегандай қайрилиб қарайди. Жуда бўлмаса ортига қайтиб қувиб етадида, «сени танимайроқ турибман, олдин учрашганмизми?» деб сўраб ҳам қолади. Ёки қўлида оғир сумка кўтариб кетаётган бирор қарияга, «келинг, қарашаман» деб таклиф қилганмисиз? Ҳойнаҳой қўлидаги сумкасини қучоқлаб олиб, ўғри товламачига учрагандек, «йўлингдан қолма» деб жеркиб ҳам бергандир-а?»

Тўғри, ҳар биримиз ўз нуқтаи-назаримизга эгамиз, барчамиз ўзимизча ҳақиқат даъво қиламиз. Дўппини ерга қўйиб, бир ўйлаб кўрайликчи, ҳамма айб ёшлардамикин? Ахир қарс икки қўлдан чиқади, шундай эмасми?

Гулноза АЛИМОВА, талаба

СУҒУРТА ҚЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА СУҒУРТА СОҲАСИ, УНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА ҚИЛИНИШИ ЗАРУР ВАЗИФАЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

Мамлакатимизда суғуртага доир қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бундай чора-тадбирлар, авваламбор, аҳолининг янги шакллланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончни мустаҳкамлашга қаратилган ва бу амалда ўз самарасини бермоқда.

Айни пайтда суғурталашнинг умумий ҳажмида мажбурий суғурталашнинг улуши нисбатан паст. Бунинг сабаби халқаро амалиёт талабларига мос мажбурий суғурталашнинг айрим турлари жорий этилмагани билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу вазифанинг бажарилиши борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида", "Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши борасидаги ишлар давом этмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда БМТнинг тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати шу масала — "Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И.Насриев мамлакатимиз суғурта бозори аҳоли манфаати йўлида самарали фаолият юритаётганини таъкидлади. Ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, суғурта фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солувчи қонунларнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Тадбирда янги қонун лойиҳаси, мажбурий суғурталаш турларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

ТАЖРИБА АЛМАШИНИЛДИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ СПОРТ МАЖМУАСИДА РЕГБИ (ҚЎЛ ТЎПИ) БЎЙИЧА МУРАББИЙ ВАЛИ ТОЖИЕВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Уч кун давом этган ушбу мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари Россия ва қозоғистонлик спортчилар ҳам юқори ўринлар учун кураш олиб боряпти. Бу баҳслар юртимизда биринчи бор ташкил этилаётган бўлиб иштирокчилар учун Осиё чемпионати олдидан тайёргарлик вазифасини ўтаб беради. Ўзбекистон регбиси эндигина ривож топаётганлиги сабаб спортчиларимизнинг халқаро майдонларда қайд этаётган натижалари мақтанарли даражада эмас. Аммо федерация мутасаддилари регбичиларимизнинг тажрибасини ошириш йўлида бир қатор хайрли ишлари олиб бормоқда.

Мусобақа ғолиблари икки баҳс натижасига кўра аниқланади. Яъни биринчи беллашувларда етти нафардан ўйинчи ўз жамоалари шарафини химоя қилса, тенгликда ҳар бир клубда ўн беш нафардан регбичи майдонга тушиш имкониятига эга. Турнирда Россия ва Ўзбекистон давлатларидан иккитадан, Қозоғистондан эса еттита жамоа гуруҳларга бўлинган ҳолда кучли тўртликка кириш учун баҳс олиб бормоқда. Баҳслар норасмий тарзда ташкил этилаётган бўлиб, мусобақада асосий эътибор терма жамоамизнинг иштирокига қаратилган. Зеро, бу мусобақадан сўнг ҳамюртларимиз Бишкекда бўлиб ўтадиган "Беш миллатлар кубоги"да қатнашади. Ундан сўнг терма жамоамиз аъзолари Гонконгда ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш беллашувларида ҳам ғолиблик учун кураш олиб боради.

ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

ПОЙТАХТДАГИ РЕСПУБЛИКА ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ЎСМИР ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ.

Тўққиз турдан иборат швейцарча тизимда ўтган мусобақада Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган икки юз нафарга яқин иқтидорли шахматчилар дона сурди. Ўн саккиз ёшгача бўлган ақл идрок сохиблари баҳсида самарқандлик умидли шахматчи Жамшид Мустафоев тўққиз имкониятдан етти ярим очко жамғариб биринчи ўринни эгаллаган бўлса, иккинчи поғонадан пешқадамдан ярим очкога ортда қолган пойтахтлик Никита Хурушов жой олди. Мусобақанинг қутилмаган натижаси деб ўтган мавсумда ушбу ёшда чемпионликни қўлга киритган Александр Кастяннинг бронза медалига сазовор бўлганини айтиб ўтиш лозим.

Қизлар ўртасида эса Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Юрина Гиригарян сўнгги турга қадар ишончли ўйин кўрсатиб бир қатор номдор рақибларини мағлубиятга учратган ҳолда биринчиликни эгаллади. Етти очко жамғарган Гулрухсор Эсонбоевага иккинчи ўрин насиб этган бўлса, учинчи поғонага фарғоналик Ҳулкар Тоҳиржонова кўтарилди.

Мазкур учрашувлар билан параллел равишда ўтказилган ўн икки ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳам мутахассислар диққат эътиборида бўлди. Мусобақа чемпион номини аниқлаб бериш билан бирга бир қатор иқтидорли шахматчиларни ажратиб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Айниқса тўққиз тур натижасига кўра, олтин медалларни қўлга киритган Искандар Ориповнинг ўтказган ўйинлари ҳақида анча илиқ фикр билдириш мумкин. Мутахассислар Искандар Ориповни жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг бўлажак издоши дея эътирооф этишмоқда. Ўтган йилги чемпион Олек Отеменко эса бу сафар иккинчи ўрин билан чегараланди. Қизлар ўртасида фарғоналик Нодирабегим Парпиева рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган ҳолда якка пешқадам бўлди. Навоийлик Моҳинур Қаҳрамоновага қумуш медал топширилди.

Мусобақа ғолиблари жаҳон ва Осиё чемпионатида иштирок этади.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Қарор ҳеч бир мақомда топмагай асло ғариб кўнгли.

* * *

Ўзгадир доно йўливу ўзга ошиқ мазҳаби.

* * *

Ишқ одамиятдир.

* * *

Беш кундан ошиқ эмас ёшлик бозори кунлари.

* * *

Не ғам ошиққа маломат қилса дўсту душмани.

* * *

**Қадимий дўсту ёрларда ҳунар ҳам айб аросида
Тафовут бўлмагай, чун ҳар назар айни ризо бўлгай.**

* * *

**Ғаразгўйлар аросида агарчи минг адоватдир,
Валекин ошиқу маъшуқда дўстлик то дунё бўлгай.**

* * *

Гадога гар бутун оламни берсанг ҳам, гадо бўлгай.

* * *

**Муҳаққиқ олдида ишқ фаслида ғафлат хато бўлгай,
Саҳардир, уйғон энди, дунё охири фано бўлгай.**

* * *

**Азиз дўст суҳбати даври бақонинг ҳосили бўлгай,
Ва дўст дийдоридан бир дам, икки олам баҳо бўлгай.**

* * *

Не даъво айлагай банда, агар ҳукми худо бўлгай.

* * *

Ғариб ҳар бир шаҳарда бор, ҳама мулкда гадо бўлгай.

* * *

Ишқ уммонида асло йўқ канор.

* * *

**Кимни жойи йўқ, ҳама ул шаҳр жоидур унинг,
Қайдаким кеч кирса дарвешга, сароидур унинг.**

* * *

**Машриқу Мағрибда ҳеч марди худо эрмас ғариб,
Қайгаким, борса ҳама мулки худоидур унинг.**

* * *

**Ҳар киши бойлик, улуғлик хожаликдан кечса гар,
Ҳар кишига етса, бўлгай ошноидур унинг.**

* * *

**Эрур ишқ дарди бир дардким, иложига табиб эрмас,
Агар ишқ дардманди нолиса, у ҳеч ғариб эрмас.**

* * *

**Таъна қилгай кимсаларким, тарки ишқ айла дебон,
Ишқ агар ўлдирмагай, нақл ул сухан ўлдурғуси.**

* * *

Илону зар, тикону гул, ғаму шодлик баҳамдирлар.

* * *

Чин ошиқлар балодан қочмагай асло.

* * *

**Ҳадиси ишқ агар дерсан, гуноҳмас,
Гуноҳ аввал Ҳаво қилдиву Одам.**

* * *

**Ғанимат бил, агар билсангки, ҳар кун,
Бўлар қолган умрдан бир куни кам.**

* * *

**Бинои умринга дил қўйма, Саъдий,
Ки бунёди эмас бунёди маҳкам.**

* * *

Сабр ошиқ дардининг дармони.

* * *

Кўп сафар қилмоқ керакким, то пишитсун хомни.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

2008 — Ёшлар йили

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

ЁШ АВЛОДНИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, ЙИГИТ-ҚИЗЛАРГА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ, ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ИЗЛАБ ТОПИШ ВА УЛАРГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТИШИДА ЯҚИНДАН КЎМАКЛАШИШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР. БУ БОРАДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДА ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТИР.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати бу борада кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари талабалари орасида ўтказилаётган "Камолот" стипендияси ва таълим гранти дастурлари ана шундай лойиҳалар сирасига киради.

Мазкур танловлар уч босқичда, яъни, олий ўқув юртлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика миқёсида ташкил этилди. Бу йил саккиз минг нафардан зиёд талаба ушбу танловларда иштирок этиш мақсадида ҳужжат топширди.

Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштираётган, жамоат ишларида, жумладан "Камолот"нинг бошланғич ташкилотларида фаоллик кўрсатаётган, турли кўрик-танловлар, мусобақалар ҳамда илмий анжуманларда ўз салоҳиятини намоён этаётган, илм-фан соҳасида муайян ютуқларга эришаётган 43 нафар талаба "Камолот" стипендияси ва "Камолот" таълим гранти совриндори бўлди. Улар "Камолот": мен ва имкониятларим" мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда иштирок этиш учун пойтахтимизга таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари даставвал Мустақиллик майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ташкил этилган давра суҳбатида иштирок этдилар.

Ўзбек Миллий академик драма театрида совриндорларни тақдирлашга бағишланган маросим ва концерт ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда таълимнинг барча бўғинларини замонавийлаштириш, хусусан олий таълим тизимида талабаларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ўз соҳасининг сир-асрорларини мукаммал эгаллаган малакали, ватанпарвар, жамият тараққиётига муносиб улуш қўшишга қодир ёшларни камолга етказишга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Бу айниқса, ёш олимлар ва тадқиқотчилар иштирокида ўтказилаётган илмий анжуманлар, танловлар ва беллашувларда яққол намоён бўлмоқда. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг геология ва кончилик иши факультети талабаси Соҳибжон Маткаримов фаолияти бунга мисолдир. Соҳибжон барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш, "Камолот"нинг бошланғич ташкилоти фаолиятида иштирок этиш билан бир қаторда республикамизда бирламчи темир хомашёси базасини яратиш билан боғлиқ долзарб мавзуда илмий изланиш ҳам олиб бормоқда. Ёш тадқиқотчининг бу борадаги ютуқлари муносиб эътироф этилиб, у "Камолот" стипендияси совриндори бўлди.

— Илм даргоҳимизда ўқиш ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун яратилган кенг кўламли шароитлар муваффақиятларим омили бўлаётир,— дейди С.Маткаримов. — Барча фанларни амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўқиб-ўрганиш, таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўз соҳамиз бўйича тараққий этган мамлакатларда қўлланилаётган технологиялар хусусида маълумот олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ёш тадқиқотчилар ўртасида ўтказилаётган турли танловлар эса истеъдодимизни рўёбга чиқариш ва янада ривожлантиришимизда муҳим омил бўлмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг биз ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва юксак эътибори самарасидир.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири**

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА IEG UZBEKISTAN КОМПАНИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ.

ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР

Унда жаҳоннинг ўнта мамлакатидан ўттизга яқин нуфузли компаниялар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Кўргазмада намойиш этилаётган рақобатбардош, энг замонавий технология асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар орасида маҳаллий корхоналарнинг ҳам товарлари борлиги қувонарлидир.

Қарийб, ўн уч йилдан бери энергетика соҳасида фаол иш юритиб келаётган Тошкентдаги «Issiqlik Uzbekistan» фирмасининг рақобатбардош маҳсулотлари нафақат йирик корхоналарда, балки, хусусий сектор орасида ҳам яхши таниш. Кўргазмада ушбу фирманинг янги маҳсулоти — универсал ультратовушли ускуна СВТУ-10 М кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

—Бу ускуна бир вақтнинг ўзида иссиқлик қуввати ва иссиқ сув сарфини ўлчашга хизмат қилади,—дейди фирма раҳбари Павел Матвеев.— Тажриба учун Тошкент шаҳридаги 26 та кўпқаватли уйларда синов ўтказилди. Натижада, янги ускуна ҳозирда фойдаланилаётган сув ўлчагичлардан ҳар томонлама устунлиги маълум бўлди. Асосийси, бу ускуналар ёрдамида нафақат иссиқ сув сарфини аниқлаш мумкин, балки сарфланаётган иссиқлик энергиясини ўзгартириб туриш имконияти ҳам мавжуд. Бу эса ҳаво ҳарорати юқори бўлганда хонадонларга юборилаётган иссиқ сув мувозанатини сақлаш учун жуда қулайдир.

«Туркистон-пресс»

Кўргазмалар

БЕТАКРОР ГЎЗАЛЛИКЛАР АКС ЭТГАН

ШАҲРИМИЗДАГИ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ИСРОИЛНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ КЎМАГИДА УШБУ МАМЛАКАТ СУРАТЧИСИ ДУБИ ТАЛЬ АСАРЛАРИДАН ИБОРАТ «ЯШИРИН ГЎЗАЛЛИК» (ЎЛИК ДЕНГИЗНИНГ БЕТАКРОР МАНЗАРАЛАРИ) НОМЛИ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.



Шуни таъкидлаш жоизки, Тель-Авив шаҳри мавзеларидан автомобилда бир соатгина йўл юрсангиз Ўлик денгизнинг ноёб табиий гўзалликларига дуч келасиз. Бу ерда бир вақтнинг ўзида ҳам саҳронинг ёввойи манзаралари, ҳам сув минераллари билан бойиган зумрад каби яшиллик бевосита уйғунлашиб кетган.

Муайян сабабларга кўра кейинги ўн йилликда Ўлик денгиздаги сув сатҳи сезиларли даражада пасайди. Натижада денгиз ҳавзаси иккига бўлиниб қолди. Бунда денгизнинг шимолий қисмидан замонавий турар жойлар ва меъморий обидалар ўрин олган бўлса, жанубий томонида эса Ўлик денгизнинг шўр сувидан минераллар ажратиб олувчи корхоналар фаолият кўрсатади.

Кўргазма бежиз «Яширин гўзаллик» деб номланмаган. Бу курраи заминнинг ушбу ноёб қисми гўзаллик ва жозибаларини тасвирларга муҳрлаб, келажак авлодлар учун сақлаш билан бирга Ўлик денгиз ҳолатига кенг омма диққатини жалб этиб, келгусида тўлдириб бўлмас йўқотишларнинг олдини олишга уринишдир.

Шаҳримиздаги ушбу тадбир суратлар кўргазмасининг илк намойиши бўлиб, келгусида у бошқа кўплаб давлатларда ҳам давом этади.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА: «Яширин гўзаллик» кўргазмасидан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар**

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ТАНЛОВ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ВА INFOCOM.UZ ЖУРНАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Танлов шу йилнинг 10 майигача давом этади ва унда асосий эътибор, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини тарғиб этишга қаратилади. Танловга тақдим этиладиган мақола ва репортажларда Ўзбекистонда ушбу тизимнинг ривожи ва тараққиёти, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг юксалишидаги ўрни кабилар акс этиши лозим. Шунингдек, мақолаларнинг илгари бошқа оммавий ахборот воситаларида чоп этилмаганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Танлов бу соҳада қалам тебратаётган янги номларни кашф этиши қаторида, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари борасида янада кўпроқ маълумот олишга замин яратади, — деди InfoCOM.UZ журнали таҳрир ҳайъати раиси Александр Сучков. — Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллион атрофидаги фуқаро интернетдан фойдаланади, етти миллиондан ошиғи эса уяли алоқа тизимига уланган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда йил охирига бориб, қўл телефонидан фойдаланаётганлар сони 12 миллионга етаркан. Шу боис, ҳозирда бу тармоқнинг ҳар бир соҳасини батафсил ёритадиган мақола ва ахборотларга эҳтиёж ошиб боряпти.

Танлов ғолибларига иккита номинация бўйича олий ўрин ажратилган бўлиб, мукофотга ноутбуклар қўйилган. Шунингдек, биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган журналистлар ҳам мукофотланишади.

ЯПОНИЯ ГРАНТЛАРИ МАКТАБ ВА ШИФОХОНАЛАРГА

ЯПОНИЯ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБ ВА ШИФОХОНАЛАРИ УЧУН 995,698 АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА ГРАНТ АЖРАТИЛДИ.

Ушбу маблағнинг 825,558 АҚШ доллари Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Наманган, Фарғона, Бухоро вилоятларидаги 12 та мактабга ҳамда Қўқон шаҳридаги «Рўшнолик» ёшларни ижтимоий ҳимоялаш марказига йўналтирилади. Бу маблағлар ўқув масканларидаги шароитни янада яхшилаш, ўқув жиҳозлари ва мебеллар харид қилишга сарфланади.

Қолган грант эса замонавий тиббиёт жиҳозлари сотиб олиш учун Наманганддаги Учқўрғон марказий шифохонаси туғруқ маркази ва Бухоро вилоят шифохонасига йўналтириладиган бўлди.

— Бугунги кундаги 15 та лойиҳа икки давлат ўртасида анча йиллардан бери давом этиб келаётган дўстона алоқаларнинг бир кўриниши,—деди ўзаро шартномаларни имзолаш тадбирида иштирок этган Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цутому Хираока.—Ишонаманки, ажратилган грант асосида харид қилинган асбоб-ускуналар ва замонавий технологиялар юзлаб кишилар оғирини енгил қилади.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги йўналиш бўйича Япония давлати 12 йилдан буён мамлакатимизнинг турли соҳаларига 228 та кичик қамровли лойиҳалар асосида 12 миллион АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда грантлар киритишди.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА ОИД МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ ВА САМАРАСИДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ҚАНЧАЛИК ФАОЛ ИШТИРОКИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси ҳамкорликда ўтказилган қатор давра суҳбатларида экологик хавф ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари муҳокама этилди.

Унда сув заҳиралари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, жонли табиатнинг табиий генофондини асраш, дунё жамоатчилиги эътиборини экологик муаммоларга янада кўпроқ қаратиш, аҳолининг бу борадаги саводхонлигини ошириш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Ушбу давра суҳбатлари натижалари асосида ишлаб чиқилган ҳужжатда экология соҳасида халқаро конвенцияга қўшилган ҳолда олиб борилаётган ишларни янада кенгайтириш, меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва амалиётга жорий этиш, сув заҳираларидан оқилона фойдаланишни бошқаришга кенг ўрин берилди.

"Туркистон-пресс"

Футбол

ХАТО ҚИММАТГА ТУШДИ

ЯҚИНДА ШАҲРИМИЗДАГИ «МҲСК» СТАДИОНИГА ЙИҒИЛГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР ТОШКЕНТНИНГ «ПАХТАКОР» ВА ҚУВАЙТНИНГ «АЛ-ҚОДИСИЯ» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ «Д» ГУРУҲИ 1-ТУР БАҲСИНИНГ ГУВОҲИГА АЙЛАНИШДИ.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ҳар икки жамоа шу кунгача Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида икки марта куч синашишган, аммо қувайтликлар битта ғалаба ва битта дуранг натижага эришишган эди. Бу сафар кўпчилик мутахассислару мухлислар тошкентликлар ғалаба қозонади, деб умид қилишганди. Мавсум эндигина бошланганига қарамай пахтакорчилар учрашувни ҳужумкор руҳда бошлашди. Рақиб дарвозаси томон уюштирилаётган хавфли ҳужумлар, чиройли комбинациялар мухлислар қалбига ҳаяжон солгани аниқ. Аммо, футболда омад деган тушунча ҳам бор. Бир неча марта Суюнов, Гейнрих, Тожиев, Иномовлар томонидан дарвозага йўналтирилган зарбаларнинг самарасиз якунланганлиги юқоридаги фикримизни исботлайди. Хуллас, 90 дақиқа дарвозалар дахлсизлиги сақланиб турган бир вақтда Алиқулов томонидан йўл қўйилган биргина хато қимматга тушди. Жамоадошлари узатган тўпни қабул қилиб олган меҳмонлар футболчиси Аҳмад Ажаб Алиқуловни ҳам ортда қолдирди ва Нестеров дарвозасини аниқ нишонга олди. 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган қувайтликлар уч очкога эга бўлишди.

Шунингдек, сафарда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» командаси билан Осиё чемпионлар лигасидаги илк учрашувини ўтказган «Қурувчи» жамоаси мезбонларга муносиб қаршилик кўрсатди. Фақат иккинчи бўлимда Магна томонидан тошкентликлар дарвозасига киритилган ягона гол арабларнинг 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишларини таъминлади.

Энди Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг 2-тур учрашувлари 19 март куни бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-206

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 . 3456

Топширилган вақти: 13.52